

**“Ўзмиллийбанк” АЖда 2025 йилда  
манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича  
олиб борилган ишлар тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

**I. Норматив-ҳуқуқий асослар ва ташкилий ишлар**

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан “Ўзмиллийбанк” АЖда манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш соҳасидаги ички идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Банкнинг қуйидаги асосий ички ҳужжатларига қонунчилик талабларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- “Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш Сиёсати”;
- “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш жараёнлари Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Ўзмиллийбанк” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом (2022 йил 9 март, 606-сон) талаблари асосида ташкил этилди.

**II. Декларациялаш тизимини жорий этиш ва таҳлил натижалари**

Бош офис ҳамда ҳудудий Бош бошқармалардаги барча тоифадаги ходимлар томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги йиллик декларацияларни тўлдириш таъминланди. Ушбу жараённи рақамлаштириш ва автоматлаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Декларацияларни тўлдириш ҳолати:

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Сони</b>
Штат бўйича жами ходимлар	<b>6 824</b>
Декларация тўлдирганлар	<b>5 866</b>
Бола парвариш таътили, ўқишда ва бошқалар	<b>982</b>
Аниқланган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви	<b>263 / 80</b>

• **263 нафар** ходим ўртасида ўзаро яқин қариндошлик муносабатлари мавжудлиги аниқланди. Улар ўртасида бевосита бўйсунуш ёки назорат муносабатлари мавжуд эмаслиги инobatга олиниб, мазкур ҳолатлар эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланди ҳамда Қонуннинг 8-моддаси талабларига мувофиқ доимий назоратга олинди.

• **80 нафар** ходим ёки уларнинг яқин қариндошлари юридик шахслар устав капиталида улушга эгаллиги ёки бошқарув органларида иштирок этиши аниқланди.

Келгусида шахсий манфаатлар билан банк ва мижозлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келишининг олдини олиш мақсадида ушбу ҳолатлар Одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим этилиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, барча ходимлар манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бермаслик ёки нотўғри маълумот тақдим этиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 193<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирилди.

### **III. Ходимлар билан ишлаш жараёнида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш**

Банк тизимига янги ишга қабул қилинаётган номзодлар, лавозимга тайинланаётган, ротация қилинаётган ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни тўлдириш амалиёти жорий этилди. **Мазкур жараённи автоматлаштириш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.**

Барча номзодлар коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқаришга оид ички сиёсатлар билан белгиланган тартибда таништирилмоқда.

### **IV. Ўқув-тарғибот ва мониторинг ишлари**

2025 йилда Коррупцияни олдини олиш бошқармаси томонидан тайёрланган қуйидаги ўқув материаллари электрон шаклда республика бўйича ходимларга етказилди:

- “Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва шакллари” — **4 640 нафар;**
- “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид қонунчилик” — **4 656 нафар;**
- “Манфаатлар тўқнашувини бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” — **4 601 нафар.**

Барча ҳудудий ва таркибий бўлинмаларда ўқув машғулотлари, семинарлар ва тест синовлари ўтказилиб, ходимларнинг билим даражаси мунтазам баҳоланмоқда.

### **V. Қоидабузарликлар ва таъсир чоралари**

Ҳисобот даври мобайнида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ икки ҳолат қайд этилди.

1-ҳолат Банк ходими иштирокида имзоланган ипотека кредити шартномаси мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳолатини келтириб чиқарган. Одоб-ахлоқ комиссиясининг жорий йилдаги хулосасига мувофиқ, БХО фаолияти устидан назорат ва раҳбарлик ваколати бошқа раҳбар ходимга юклатилди.

2-ҳолат Бўлим бошлиғи кредит қўмитаси аъзоси бўла туриб, қарз олувчи сифатида кредит ҳужжатларини имзолаган. Одоб-ахлоқ комиссиясининг жорий йилдаги хулосасига асосан бир қатор ходимларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилди.

### **VI. Хулоса**

2025 йил давомида “Ўзмиллийбанк” АЖда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида ишлар қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тизимли равишда амалга оширилди.